

Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

2004-yil, 27-fevral, 9 (598)-son

Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАВАРЛАР

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 феврал куни Оксаройда Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Доналд Рамсфелдни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, ушбу ташриф Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари тобора ривожланиб бораётганидан яна бир далolat ва икки томон учун ҳам муҳим аҳамият касб этувчи масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун яхши имконият эканлигини таъкидлади.

● **Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан Польша Республикаси Президенти Александер Квасневский рафиқаси билан 21 феврал куни Тошкентда тўхтаб ўтди.** Яқиндагина таъмирдан чиққан "Тошкент-2" аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

● **Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказида Япония ҳукумати-нинг кичик ҳажмли ижтимоий лойиҳаларга бегараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида навбатдаги шартномавий грант имзоланди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси масофавий ўқитиш марказида "Ахборот хавфсизлиги асослари" курсини муваффақиятли якунлаган 50 нафар тингловчига Россия ахборот технологиялари Интернет-Университетининг сертификатларини топшириш маросими бўлиб ўтди.**

● **"Бритиш Американ Тобако" компаниясининг Европа минтақаси бўйича бошқарувчи директори, мазкур компания бошқаруви аъзоси Бен Стивенс раҳбарлигидаги делегация вакиллари 25 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмонов билан учрашди.**

Томонлар "ЎзБАТ" қўшма корхонасининг 2001-2003 йиллардаги фаолияти якунларини сарҳисоб қилиб, ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид масалалар хусусида фикр алмашди.

ТАЪЛИМ СОҶАСИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Тошкент ахборот технологиялари университетидида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги олий ўқув юртли ректорлари, илмий ишлар бўйича проректорлари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этишди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Фуломов бошқарган мазкур йиғилишда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи — сифат босқичи жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид масала муҳокама этилди.

Бугунги кунда республикамиздаги олий ўқув юртли ва Фанлар академияси институтлари Интернет трафикасидан 60 фоизлик имтиёз асосида фойдаланмоқда. Мактаблар ва тибби-

ёт соҳасига оид ташилотларга эса юз фоиз имтиёз берилган.

Ўтган йиллар мобайнида ахборот техно-



логияларини жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўллаш ҳамда халқаро ахборот жамиятига кириш учун пухта замин яратилди. Ривожланган давлатлардаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда дастурлашга оид маҳсулотлар яратишга алоҳида аҳамият берилди. Мазкур соҳадан келадиган фойда бошқа йўналишларга нисбатан анча юқорилиги билан ажралиб туради.

Йиғилишда ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этишда яратилган имтиёزلардан самарали фойдаланиш, олий таълим муассасаларини компютерлаштиришни такомиллаштириш, информатика ва ахборот технологиялари йўналишида педагог кадрларни тайёрлашга доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз

**С. НАСЛЕДОВ олган суратлар.
InfoCom.uz фото архивидан**



НАМАНГАНДА ЯНГИ ЭЛЕКТРОН АТС

Жорий йилнинг 21 феврал куни Наманган шаҳрида Хитой Халқ Республикасининг "HUAWEI" компанияси томонидан сизими 9645 рақамга мўлжалланган рақамли телефон станцияси ҳамда вилоят марказидаги барча АТСларни боғловчи умумий узунлиги 43 км. бўлган айланма оптик-толлал алоқа кабелли тармоғи фойдаланишга топширилди. Ушбу вазибалар "Ўзбектелеком" АҚнинг "Наманган Телеком" филиали ва хориж компанияси ўртасида имзоланган 2 млн. АҚШ долларилик шартномага асосан амалга оширилди.

Шу куни вилоят марказининг аҳоли зич яшайдиган "Тахтақўприк" даҳасидаги замонавий 24-ЭАТС биносида меҳмонлар карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Тантанали ма-

росимни Наманган шаҳар Сўнг тадбирга ташриф буюр-ҳокими А.Раҳматуллаев очди. ган вилоят ҳокими Т.Жаббо-



ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

ров, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов ҳамда "HUAWEI" компанияси вице-президенти жаноб Ванг Кесянглр сўзга чиқдилар. Тақдимот маросимида, шунингдек, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Избосаров, "Ўзбектелеком" АҚ бош директори Х.Мухитдинов ва бошқалар иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу 24-ЭАТС Наманган шаҳридаги замонавий электралоқа иншоотларнинг учинчиси бўлиб, "HUAWEI" компанияси ҳамда "Наманган Телеком" филиалининг малакали мутахассислари ҳамкорлигида қисқа муддат ичида монтаж қилиниб фойдаланишга топширилди. Натижада шаҳар телекоммуникациялар тармоғи сизими 138,1 минг рақамга етказилди.

**Ш. ПАРПИЕВ
Наманган вилояти**

ЙИЛ ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБИ

"Наманган Телеком" филиали йиғилишида 2003 йилдаги молиявий-иқтисодий ва ҳўжалик фаолиятининг якунлари ва жамоа шартномаси бажарилиши муҳокама этилди. Унда Республика алоқа ходимлари касаб ва уюшмаси марказий кўмитаси раиси Т.Назарзонов, "Ўзбектелеком" АК бош директорининг ўринбосари Э.Аллаевлар иштирок этишди.

Йиғилишда филиалнинг 2003 йилдаги молиявий-иқтисодий ва ҳўжалик фаолиятининг якунлари ва жамоа шартномаси мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан филиал директори Б.Нурматов ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаб ва уюшмаси кўмитаси раиси М.Муқимовларнинг ҳисоботлари тингланди.

2003 йили корхонада даромад, аҳолига телекоммуникация хизматлари кўрсатиш, асосий телефон аппаратлари сонини ўстириш, ҳисобланган даромадларга нисбатан тушум топшириқлари ортиги билан бажарилиб, 2002 йилга нисбатан сезиларли ўсишга эришилди.

Ходимларнинг бир ойлик

ўртача иш ҳақи 45642 сўмни ташкил этди. Бу жамоа шартномасида белгиланганидан бирмунча кўтдир.

Йиғилишда филиал молиявий-иқтисодий ва ҳўжалик фаолиятидаги ютуқлар эътироф этилгани ҳолда, йўл кўйилган камчиликлар танқид остига олинди. Корхона молиявий-иқтисодий ва ҳўжалик фаолияти бўйича вазибаларнинг бажарилишида меҳнат жамоаси фаолигини кучайтириш, йўл кўйилган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олишда касаб ва уюшмаси кўмитаси раиси меҳнат жамоасининг вакили сифатида фаолиятни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, филиал телекоммуникациялар боғламаларининг 2003 йилдаги молиявий-иқтисодий ва ҳўжалик фаолияти якунлари ҳам танқидий таҳлил этилиб, молиявий ҳолатни соғломлаштириш, унинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича 2004 йил ташкилий тадбирлар режаси асосида кўшимча даромад манбаларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумли ташкил этиш ҳисобига ортиқча харажатларни қисқартириш, дебиторлик қарзларни кескин қайтариш чора-тадбирлари белгиланди.

Ш.ПАРПИЕВ

Наманган вилояти

KASABA UYUSHMALARI HAYOTIDAN

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ АМАЛДА

"Бухоро Телеком"

филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаб ва уюшмаси кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг 2003 йилда бажарилишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Йиғилишда "Бухоро Телеком" филиали директорининг биринчи ўринбосари Ў.Тўхтаев ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаб ва уюшмаси кўмитаси раиси У.Фахриддиновларнинг ҳисоботлари тингланди.

2003-2004 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг барча бандлари тўлиқ бажарилган. Ўтган йили корхона ходимларининг ўртача иш ҳақи 57700 сўмни ташкил этган бўлиб, бу 2002 йилдагига нисбатан 1,3 баравар кўтдир.

"Бухоро Телеком" филиалида меҳнат қилаётган 1175 ходимнинг 352 нафари хотин-қизлардир. Ишчи-ходимлар учун корхонада барча шaroитлар яратилган. Йил давомида иш ҳақининг ходимларга ўз вақтида берилиши ва бошқа тўловларнинг амалга оширилиши устидан доимий мониторинг олиб борилганлиги ҳам ўшбу йўна-

лишдаги вазибаларни талаб даражасида бажариш имконини берган. Ходимларга юқори касб маҳорати, узоқ йиллик самарали меҳнати учун кўшимча ҳақ тўланмоқда.

2003 йил давомида жамоа шартномасининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси билан боғлиқ бандларини бажаришга ҳам етарли эътибор берилди. Ана шу мақсадлар учун жами 37 миллион сўм сарфланганлиги фикримиз исботидир.

Йиғилиш сўнида муҳокама қилинган ишлар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

"Бухоро почтаси" АЖ

да ҳам 2003-2005 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг 2003 йилда бажарилишига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда корхона директори Х.Жалилова ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаб ва уюшмаси кўмитаси раиси У.Фахриддиновларнинг ахборотлари тингланди.

Акциядорлик жамияти ва унинг филиалларида меҳнат қилаётган жами 788 нафар ходимнинг иктимой-иқтисодий ва ҳўжўкий муҳофазасини таъминлаш, маъмурият ва касаб ва уюш-

маси кўмитасининг иктимой шериқчилик тамойиллари асосидаги фаолиятини давр талаблари даражасида олиб бориш мақсадида мавжуд куч ва имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда. Жўмладан, юқори касб маҳоратига эга бўлган 37 нафар ходимнинг иш ҳақига кўшимча равишда жами 1 миллион 778 минг сўм, иш самарадорлигини оширишда муваффақ бўлган 20 нафар ходимга эса 1 миллион 233 минг сўм тўланди.

Шунингдек, йиғилишда Меҳр ва мурувват йили муносабати билан белгилаб олинган тадбирлар асосида амалга оширилаётган ишлар ҳўсуида ҳам атрофича фикр юритилди.

Жамоа шартномаси

бажарилишини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш, шунингдек, вилоят "Матбуот тарқатуви" масўулияти чекланган жамиятида ҳам бўлиб ўтди.

Барча йиғилишларда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаб ва уюшмаси марказий кўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Қосимов катнашди.


А. ИСТАМОВ

Бухоро вилояти

Сўнгги йилларда

Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Китоб, Қамаш ва Яқкабоғ туманларида иш бошлаган янги телефон станциялари миջозларга сифатли алоқа хизматидан фойдаланиш имконини берди. Бу ишларнинг узвий давоми сифатида Қарши шаҳрида 2280 рақамли халқаро телефон станциясининг ишга туширилиши, айниқўса, воҳа алоқа соҳасида муҳим воқеликка айланди.

ФОТОЛАВНА



Суратларда: 1. "Қашқадарё Телеком" филиали директори **Самад КАРИМОВ**, муҳандислар **Бахтиёр ЖАББОРОВ** ва **Собир ЗАЙНИТДИНОВ**лар янги усқунлар ишини кўздан кечиришмоқда. 2. Ёш мутахассислар **Зафар ЗУЛФИҚОРОВ** ва **Беқазд КАРИМОВ**лар тест ишларини бажармоқдалар. 3. Япониянинг НЕК компанияси мутахассиси **Токамада** ҳамда муҳандис **Бойназар ГАНИЕВ** каналлар ишини назорат қилаётган пайт.

Б.МУРОДОВ олган суратлар

ОДАМЛАРНИНГ НАҚШИ

Почта, почтачи, хат... бу сўзлар унга жуда мўъжизакор бўлиб эшитилганда Яхёжон ҳали жуда ёш — саккизинчи синфда ўқирди. Ушанда Марғилон шаҳар почта бўлимига алоқачилар сулоласининг вакили Исмоил ака Мамадалиев бошлиқ эди. Бир куни у Яхёжондан ўзлари яшайдиган маҳалладаги бир неча оилага почтани тарқатишни илтимос қилди. Хонадонларда уни шундай хурсандчилик билан кутиб олишдики, бу савобли юмуш унга беҳад ёқиб қолди.

— Мактабни тўтапач, Исмоил акага ёрдам бера бошладим, — эслайди Яхёжон ака. — У менга нафақат газета ва журналларни, ҳатто пенсияларни ҳам ишониб топширадиган бўлди. Ёши улуғларнинг дуоси, алқашлари қанотида бамисоли учиб юрардим. Ахир, мени хабарчиликка ишга олишди. Иш бошлаганимга мактаб чоғимни ҳам кўшиб ҳисоблайдиган бўлсам, қирқ беш йилдан ошяпти...

Яхёжон Мадмаров армияда йигитлик бурчини бажариб қайтгач яна почтада иш фаолиятини давом эттирди. Алоқачиликнинг заҳмати ҳам, роҳатини ҳам торти. Тинимсиз ўз устида ишлади, изланди — кам бўлмади.

Юк кўтарган юзага чиқар дегаңларилек, вазминлиги, ташаббускорлиги ва ишчанлиги билан назарга тушган Я.Мадмаров секин-аста хизмат поғоналаридан кўтарила борди. Унга энг масўулиятли вазибаларни ҳам ишонадиган бўлиши. Марғилон шаҳар алоқа боғламасида бўлим бошлиғи, вилоят алоқа бошқармасида муҳандис, Тошлоқ тумани алоқа боғламаси бошлиғи ўринбосари, вилоят алоқа бошқармаси ПАХБ бошлиғи, Фаргона шаҳар почтаамти бошлиғи, вилоят почта алоқа бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимларида

меҳнат қилди. Мана икки йилдирки, "Фаргона почтаси" акциядорлик жамияти ўқув базаси бошлиғи сифатида ёшларнинг маънавийтини юксалтириш ва малакасини оширишга бош-қош бўлиб келмоқда.

Яхёжон ака қарда ишламасин талабчанлиги ва билимдонлиги билан соҳани ривожлантиришга ўзининг муносиб улушини кўшишга интилди. Яхши шогирдлар етиштириш ҳам унинг энг диққатга сазовор ютуқларидан биридир. Солжон Юнусов акциядорлик жамияти директори даражасигача кўтарилди, ўринбосарлари Набижон Араббоев ҳамда Алижон Ибрагимовлар ҳам энг ажойиб шогирдларидан. Асл устоз ўзидан ҳам кучли шогирдлар тайёрлайди, деганлари шу бўлса керак. Ю.Абдуллаева, Т.Французова, М.Ибрагимова, З.Раҳмонова, М.Қоширов, А.Ўлмасов, З.Шокиров ва яна талайгина шогирдлари ҳам турли лавозимларда хизмат қилишмоқда.

Бугун шогирдлари сўзи — кўмуш, иши — олтин устозлари Яхёжон Мадмаровни таваллуд куни билан қўтлаб, у кишига узоқ умр, сийҳат-саломатлик тиламоқдалар.

Ҳ.САЛЯҲОВА

Фаргона вилояти



"XALQARO POCHTAMT" AJ жаҳон майдонида ўз фаолиятини бошлаганига унчалик ҳам кўп бўлмаган бўлса-да, унинг тарихи анча узоқ даврни ўз ичига олади. Юртимизда истиқлол шабадалари эса бошлаши бошқа жойларда бўлгани сингари корхона фаолиятида ҳам туб бурилишлар ясади.

ТАРИХГА БИР НАЗАР

Тошкентда темир йўллар орқали почта ташувларини амалга ошириш 1899 йилдан, яъни Каспийорти темир йўли қуриб битказилганидан сўнг бошланган. 1900 йили Тошкент почта-телеграф идораси қошида почта ташиш бўлими ташкил этилиши амалда hozirgi "XALQARO POCHTAMT"га тамал тоши қўйилишига сабаб бўлган эди.

1930 йилда ушбу бўлим Халқ комиссарлари алоқа бошқармаси тасарруфига ўтказилди. 1975 йилдан эса Тошкент темир йўли қошидаги почта номи остида Тошкент шаҳри почта алоқаси ишлаб чиқариш-техник бошқармаси таркибиде фаолият олиб борди.

Корхона кейинчалик республика Алоқа министрлиги почта бошқармаси тасарруфига ўтказилган. Ушунда унинг таркибиде – газеталар, жўнатмалар ва сўғурта почталарига ишлов бериш, айирбошлаш, хатларни айирбошлаш ва саралаш, йўллар хизмати, почта вагонларига техник хизмат кўрсатиш ҳамда механизация цехлари мавжуд бўлган.

ЯНГИЛАНИШЛАР ЙЎЛИДА

Сўнгги йилларда республика ички почта жўнатмаларидан халқаро почта жўнатмалари ҳажми сезиларли даражада ошди, шунингдек, МДХ ҳамда хорижий мамлакатлар почта маъмуриятлари почта жўнатиш таъминоти ва халқаро почта жўнатмалари йўналиш режаларида ўзгаришлар рўй берди. Шу каби омиллар асосида ҳамда корхонанинг фаолияти, олдига қўйилган мажбуриятлари ва ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Тошкент темир йўли қошидаги почтама 1993 йилнинг 1 мартидан Ўзбекистон Республикаси "Халқаро почтама" давлат корхонаси мақоми берилди. Кейинчалик, яъни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 1997 йил, 25 сентябрдаги қарорига биноан корхона "XALQARO POCHTAMT" очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди. Корхона ҳозирда "Ўзбекистон почтаси" ДАК таркибиде хўжалик фаолиятини юритиб келмоқда.

Маълумки, республикама 1994 йилнинг 24 февралда 186та мамлакатни бирлаштирган Бутунжаҳон почта иттифоқига аъзо бўлиб кирди. Албатта, бу каби нуфузли ташкилотга аъзо бўлиш катта имкониятлар эшигини очиб билан бирга

ўзига яраша масъулият ҳам юклайди. Бутунжаҳон почта иттифоқига аъзо бўлган ҳар бир давлат умумий қоидалар асосида фаолият олиб боради ва янги қоидаларнинг қабул қилиниши ёки уларнинг ўзгарилишида бевосита иштирок этади. Шу билан бирга, кўрсатилётган почта хизматлари ҳам халқаро талабларга жавоб бериши керак. Корхонани техник жиҳатдан қайта қуролантириш, дастурларни замонавийлаштириш, почта алоқаси хизматида жўн ютуқларини жорий қилишни амалга ошириш, почта хавфсизлигини таъминлаш, сармояларни жалб қилиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

- товар ишлаб чиқариш ва тарқатиш, корхона, ташкилот ва фуқароларга хизмат кўрсатиш;
- ички пул жўнатмаларига ишлов бериш ва назорат қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ равишда ташкил иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш ва ҳоказолар.

Ҳозирги кунда хорижий давлатлардан келадиган, келтирилган ва транзит почта жўнатмалари "Ўзбекистон хаво йўллари", "Lufthansa" ва бошқа авиакомпанияларнинг ўттизга яқин самолётларида ҳамда битта халқаро темир йўл йўналишида, республика ичидаги ташувлар эса автомобил транспорти орқали амалга оширилмақда.

Бевосита корхонанинг 2003 йилдаги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, бу

АЛОҚА КОРХОНАЛАРИДА

узоқ хориждан келган, жўнатилаётган ҳамда буюртма ва оддий ёзишмаларга ишлов берилади.



Корхонанинг республикама алоқа маъсасалари билан авиапочта ва даврий нашрлар айирбошлаш бўлими МДХ ҳамда

узоқ хориж мамлакатларининг халқаро айирбошлаш пункти ҳам ҳисобланади.

Юқоридаги барча участкалардаги амалиётлар жаҳон почтаси талаблари даражасида бажарилади, айниқса, почта хавфсизлиги ва божхона меъёрларига қатъий риоя этилади.

"XALQARO POCHTAMT": ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ



ЭЗГУ МАҚСАДЛАР САРИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш шариоатида ҳар бир корхона ва ташкилотдан тадбиркорона, узоқни қўловчи режалар тузган ҳолда фаолият олиб бориш талаб қилинади. Қўшимча даромадлар корхона иқтисодий салоҳиятини кучайтириш билан бирга ҳодимларни ижтимоий ҳимоялаш, шунингдек, бошқа хайрли мақсадларни амалга ошириш имконини ҳам беради. "XALQARO POCHTAMT"да бу борадаги ишлар тўғри йўлга қўйилган. Корхона директори Қуролбой Тулебаевнинг сўзларига қараганда, ҳозирда тижорий мақсадлардаги юклар ташувини амалга ошириш ва матбуот маҳсулотларини виллояларга етказиб бериш каби қўшимча хизматлар ҳам кўрсатилмоқда. Сифат хизмати бўлимининг ташкил этилганлиги эса халқаро талаблар даражасида фаолият олиб бориш томон ташланган салмоқли қадам бўлди.

Режаларнинг бажарилиши ва эришилаётган ютуқларда корхона ҳодимларининг ҳиссаси бекиёс, албатта. Бу ерда жами 285 киши меҳнат қилмоқда. Иш ҳажмининг ўсиши ҳамда меҳнатдаги сифат ва самарадорликлар натижасида уларнинг ойлик иш ҳақлари ҳам ошиб, ҳозирда ўртача 61,175 сўмни ташкил қилади. Кейинги йилларда "XALQARO POCHTAMT" халқаро цеҳи алоқа оператори М.Нигматянова, почтага ишлов бериш ва жўнатиш цеҳи алоқа оператори К.Иябергенов, сифат хизмати бўлимининг бошлиғи О.Ҳўжаева, авиапочта участкаси бошлиғи В.Залевскаялар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Ўз касбининг устаси" белгисига сазовор бўлишга бўлса, корхонанинг турли бўлимларида самарали меҳнат қилаётган Й.Тургунов, М.Набиева, Ш.Шоносупов, Э.Турсунов, М.Мирсағатов, С.Цай, Н.Аверьянова ҳамда Э.Тарасовалар Агентлигининг "Фахрий ёрлик"лари билан тақдирланишган.

Бугун қилинган эзгу ишлар эртага ўз мевасини бериши шубҳасиз. Шундай экан, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва шу билан бирга жаҳон майдонида ўз ўрнига эга бўлиш йўлида тинимсиз изланаётган корхонанинг аҳил жамоаси фаолияти бошқаларга ҳам ўрнак бўлса, ажабмас.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

"XALQARO POCHTAMT" МДХ ва хориж мамлакатлари билан почта айирбошлаш ва уларга ишлов бериш, саралаш ҳамда божхона кўригидан ўтказувчи республикамаиздаги ягона корхона ҳисобланиб, ички почта жўнатмаларини айирбошлаш, саралаш ва почта айирбошлаш жойларига етказиб беришни таъминлаш доирасида, асосан, қўйидаги йўналишларда фаолият олиб боради:

- Барча турдаги автомобил, темир йўл ва ҳаво транспорти йўллари билан келадиган ва кетадиган ҳамда транзит почта жўнатмаларига ишлов бериш, юбориш, уларни эҳтиёт қилиш ва ҳисобга олишни таъминлаш;

- почта жўнатмаларини қабул қилиш ва тарқатиш хизматини кўрсатиш;

- Ўзбекистон Республикаси божхона қўмитаси меъёрий ҳужжатларига асосан келадиган ва кетадиган транзит почта жўнатмаларини божхона кўригидан ўтказишни амалга ошириш;

- "Консигнация" туридаги, яъни катта габарит, парцион почта жўнатмаларини МДХ ҳудудларига элтиб бериш;

ерда иш ҳажми ўтган йилга нисбатан 1,5 баробарга ошган. Хатларни хорижга жўнатиш учун жами 300875та (жумладан, қимматли хатларга 2448та) буюртма бажарилган бўлса, келадиган хатлар учун 245148та (қимматли хатларга 651та) буюртма амалга оширилди. Кетаяётган жўнатмалар сони 8959тани, хориждан келаятган жўнатмалар сони эса 29676тани (умумий оғирлиги 340158,07 кг.) ташкил этди.

Ўтган йилги транзит почта жўнатмаларининг 65,9 фоизини хат-хабарлар, 20,64 фоизини жўнатмалар, 4,37 фоизини эса "М" қоплар ташкил этди ёки жами 34716,32 кг. почта жўнатмалари ўз эгаларига етказиб берилди.

"XALQARO POCHTAMT"нинг жўнатмалар цеҳи иккита участкадан иборат бўлиб, 1-участка (Р1-3)да узоқ хориж мамлакатларига жўнатилаётган ва улардан келаятган жўнатмаларга, 2-участка (Р1-2)да эса ички ҳамда МДХ мамлакатлари доирасидаги жўнатмаларга ишлов берилади.

Почтага ишлов бериш ва жўнатиш цеҳи (Р1-7)да ҳам иккита "XALQARO POCHTAMT"га келаятган барча почталарни айирбошлаш ва матбуотни жўнатиш участкаси мавжуд.

Бу ердаги барча ишлаб чиқариш жараёнлари мавжуд қўлланмалар ва почта қоидалари асосида амалга оширилади.

Хатлар цеҳида бешта бўлим фаолият олиб боради. Бу ерда Ўзбекистон ва МДХ алоқа корхоналари ўртасида жўнатилаётган қимматли хатлар, бандероллар ва кичик пакетларга, республикамаиз ҳамда МДХ мамлакатларидан келган хат-хабарларга,



УМРНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ АЗИЗ...

Ёдимда, болалигимда радио катта бир мўжиза ҳисобланарди. Аввал қишлоғимиз марказидаги симёғочга ўрнатилган баланд гапирувчи радиокарнайдан, кейинроқ эса хонадонларимизга кириб келган мўжазгина радиодан ҳайратларда қолгандик.

Радио мамлакатимиз ҳаётидаги энг сўнгги ахборотлардан, ўша давр маънавияти ва маърифатидан сўзларди. Ундан тараладиган қуй-қўшиқларни сел бўлиб тинглардик. Қисқаси, уйимиз тўрида турадиган, бизларга олам-олам завқ-шавқ бағишлайдиган радио дастлабки кунларданок ҳаётимизга муҳим ўрнашни олган, узиз бир кунимизни ҳам тасаввур эта олмасдик...

Ёш Жумабой ҳам радио сеҳр-синюатига мафтун бўлганлардан бири бўлсада, алоқага, айниқса, радио тармоғи соҳасига қутилмаганда кириб келганди. Ким билади, балки бу тақдир ҳукмидир. Олдинига "Зангори экран" устaxonасида меҳнат қилди, сўнг театрда овоз режиссёри бўлиб ишлади. Бундан роса йигирма беш йил муқаддам эса электромонтёр сифатида Фаргона шаҳар телеграф-телефон станциясига ишга келдию жони ором топди. Ишга пухталиги туфайли хизмат поғонасидан кўтарила борган Ж.Шамшитди-

нов 1985 йилдан буён радио цехининг бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

Жумабой ака кўли остидаги 27 нафар мутахассиснинг кўнглига йўл топиб, унумли ишлаши учун уларга шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилади. Ўтган иш фаолияти ҳақида ёшлар сўраб-суриштириб қолсалар, "Ҳар бир хонадонга радио!" шiori остида кун-тун ҳоловат билмаган йиллардан сўзлайди. "Шунча хонадон радиолаштирилди, яна шунча қолди", деган ахборотлар газеталар саҳифаларида жуда кўп учраб, радионинг ўзида ҳам шундай хабарлар ҳар кун кириб борилади. Ўша йилларда бу иш осон кечмаган, албатта. Ўзига хос машаққатлари, табиийки, жуда кўп бўлган. Бироқ инсон ёшликдаги жўшқин йилларни доимо мароқ билан эслайди.

— Мириқиб ишлагандик ўшанда, — дейди Ж.Шамшитдинов. — Бир кунда 50-60та радионукта ўрнатардик. Алоқа соҳасида ишлаб кам бўлмадик, Аллоҳга шукур. Уч фарзандимнинг алоқачиликни тан-

лангани ҳам шундан.

"Ўзбектелеком" АҚнинг "Фахрий ёрлиғи" — Жумабой ака Шамшитдиновнинг мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги муносабати билан алоқа соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, кўп йиллик самарали меҳнатлари учун берилган катта мукофотдир. Бу мукофотдан сўзлаганда Жумабой ака ҳамкасблари Евгений Кузнецов, Раҳим Тожибоев, Содик Жумабоев, Кимсан Тошматов, Рўздат Тешабоев, Сергей Александровлар, шоғирдлари Тўлқин Маматбеков, Толибжон Дадабоев, Набижон Тургунов, Турсун Эргашев, Фани Йўлдошев ва Набижон Бекмирзаевларнинг исм-шарифларини бир-бир эҳтиром билан тилга олади.

Радио тармоғи олдида турган оғир вазифаларни биргаликда ечадиган ҳамкасбларини эъозламай бўлармикин?! Негаки, бу юксак мукофот малакали ишчи-мутахассислар билан ҳамкорликдаги эзгу ишларига берилган муносиб баҳодир. Шу сабаб ҳам умри беҳуда ўтмаганига шукроналар айтади.

— Ҳалол меҳнат эвазига тинч-осуда яшаш — мен учун бахт, — дейди Жумабой ака. — Умрнинг ҳар лаҳзаси азиз...

Х.САЛЯХОВА
Фаргона вилояти

ЁНГИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ёнгин хавфсизлиги бўлими ҳамда Тошкент шаҳар "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамкорликда Юнусобод тумани маҳалла фаоллари билан "Ёнгинга қарши" мавзuida учрашув ўтказди. Унда Тошкент шаҳри ва туман ҳудудида рўй бераётган ёнгинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш чоралари бўйича фикр юритилди.

Сўхбат давомида туман ҳудудида мавжуд ёнгин ўчириш сув қудуқларини таъмирлаб, ишга яроқли ҳолга келтириш, турар жой бинолари ва бошқа иншоотлар орасидан ёнғувчи чиқинди ҳамда қуриган ўтларни беҳавотир жойларга олиб чиқилишини таъминлаш, газ тармоғидан резина шланг орқали фойдаланмаслик ва газ асбобларидан ноконуний фойдаланишни тақиқлашга келишиб олинди.

Йиғилишда билдирилган тақлиф ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилинди.


Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ

НОВОСТИ В СФЕРЕ И К Т

АРЕСТОВАНА ИЗВЕСТНАЯ ВИРУСОПИСАТЕЛЬНИЦА

Бельгийская полиция арестовала 19-летнюю студентку, изучающую информационные технологии, — известную во всем мире вирусописательницу, сообщила бельгийская газета La Libre Belgique. Известно лишь прозвище задержанной — Gigabyte. Девушка обвиняется в нарушении закона о киберпреступлениях, принятого в 2000 году. В случае признания вины Gigabyte ей грозит тюремное заключение сроком до 3 лет и штраф в размере до \$127 тыс.

E-MAIL — ОБЩЕНИЕ БЕЗ ЛЖИ



Оказывается, новые инфокоммуникационные технологии настраивают своих пользователей на разную степень откровенности. Как показало первое исследование в этой области, в телефонных разговорах лгут вдвое чаще, чем в сообщениях электронной почты. Причина проста — электронные письма сохраняются у получателей, и в случае чего их можно предъявить солгавшему как улику.

НОВАЯ ЗЕЛАНДИЯ БОРЕТСЯ С ЖУЛИКАМИ

Новая Зеландия присоединилась к международному движению подавления мошенничества в Сети. Торговая Комиссия этой страны начала проверки сотен страниц, предлагающих всевозможные пирамиды, работы на дому и уже привнесшие схемы «как быстро разбогатеть».

НОВЫЙ СЕТЕВОЙ ЧЕРВЬ

Специалисты в области информационной безопасности сообщают об обнаружении новой модификации известного сетевого червя Bagle - Bagle.B.



Новый червь начал быстро распространяться по всему миру: на данный момент в антивирусные компании поступило несколько сотен сообщений от пользователей по всему миру, получивших зараженную данным червем корреспонденцию.

КНИГА О ВЗЛОМЕ ПРОГРАММ

В Интернет-магазине Amazon.com появился новый лот. Это книга Дмитрия Склярера «Hidden Keys to Software Break-ins and Unauthorized Entry», посвященная способам взлома программ и получения неавторизованного доступа к данным.



Книга, название которой можно перевести как «Лазейки в защите программ и данных», предназначена преимущественно для программистов, работающих с системами безопасности. Кроме этого, она будет полезна для тех, кто желает узнать о проблемах, существующих сегодня в области информационной безопасности.

УЛЬТИМАТУМ СПАМЕРАМ



Киберполицейские Поднебесной опубликовали черный список 656 спам-серверов по всему миру и установили дедлайн, по истечении которого рассылка нежелательных коммерческих сообщений должна прекратиться.

Интернет Сообщество Китая будет пристально наблюдать за деятельностью отмеченных веб-узлов. Если 20 марта распространение спама не закончится, то все они будут заблокированы, — сообщает информационное агентство Xinhua. «Смертельный список», составленный по результатам длительного мониторинга, содержит 62 китайских сервера, 65-тайванских, 6- в Гонконге и 523 сервера из других стран света.

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

«НЕМАЯ»

СЕТЬ ТРЕТЬЕГО ПОКОЛЕНИЯ

Компания Vodafone объявила о запуске в нескольких странах Евросоюза сети сотовой связи третьего поколения стандарта UMTS. Новая сеть действует на территории Великобритании, Германии, Италии, Португалии, Испании, Швеции и Нидерландов. Пока сеть действует в крупнейших городах и вдоль наиболее важных транспортных магистралей. Вне зоны покрытия сети третьего поколения абоненты автоматически переключаются в сеть GSM/GPRS.

ТЕЛЕФОНЫ NOKIA И SONY ERICSSON УЯЗВИМЫ

Сотрудники британской компании A.L. Digital, специализирующейся на вопросах компьютерной безопасности, сообщают об обнаружении серьезной уязвимости в сотовых телефонах Nokia и Sony Ericsson, поддерживающих беспроводную связь ближнего радиуса действия Bluetooth.

В ПОЛКУ 3G-ОПЕРАТОРОВ ПОПОЛНЕНИЕ

Оператор сотовой связи T-Mobile объявил о начале коммерческой эксплуатации своей 3G-сети в Великобритании. Это третья сеть европейского оператора: сначала связь нового поколения была освоена им в Австрии, а затем у себя на родине, в Германии. Для британцев сеть T-Mobile тоже стала третьей после «3» и Vodafone. Однако ни Vodafone, ни T-Mobile пока не доступны для разговоров и видеосвязи: их сети работают только на обмен данными с использованием карт сотовой связи на компьютерах. Vodafone собирается открыть голосовой доступ к 3G в октябре, T-Mobile пока не определила сроков. Можно предположить, что это произойдет примерно в то же время — сети были запущены почти одновременно, с разницей в неделю.

НОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

ТРЕХМЕРНЫЙ ИНТЕРФЕЙС БУДУЩЕГО

Компания Sun Microsystems продолжает экспериментировать с созданием принципиально нового пользовательского интерфейса. Проект, получивший название «Зеркало» (Project Looking Glass), предполагает разработку так называемого трехмерного десктопа, больше похожего на реальное пространство, нежели на сгенерированное компьютером плоское изображение. В частности, все объекты на рабочем столе Sun можно будет приближать, отдавливать, поворачивать и размещать друг за другом. Система «Зеркало» также позволит менять прозрачность окон приложений, как бы выделяя при этом наиболее приоритетные задачи. В основе трехмерного десктопа лежит использование технологии Java. Системные требования к компьютеру, по сегодняшним меркам, не слишком высоки: процессор Intel Pentium III с тактовой частотой 850 МГц, 256 Мб оперативной памяти и графический акселератор.

По материалам INTERNET

ТЕЛЕДАСТУРЛАР — 1—7 март учун

TVI, TVII, TVIII, TVIV, OPT, PTP, NTB



ДУШАНБА, 1

«Ўзбекистон» телеканалы TVI
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таджикнома».

СЕШАНБА, 2

«Ўзбекистон» телеканалы TVI
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Азборот».

ЧОРШАНБА, 3

«Ўзбекистон» телеканалы TVI
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Азборот».

ПАЙШАНБА, 4

«Ўзбекистон» телеканалы TVI
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Азборот».

«Ешлар» телеканалы TV II
17.00 Кўрсатув дастури.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».

«Ешлар» телеканалы TV II
17.00 Кўрсатув дастури.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».

«Ешлар» телеканалы TV II
17.00 Кўрсатув дастури.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».

«Ешлар» телеканалы TV II
17.00 Кўрсатув дастури.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».

«SPORT» ТЕЛЕКАНАЛИ
21.30 «Хабарлар».

«SPORT» ТЕЛЕКАНАЛИ
21.30 «Хабарлар».

«SPORT» ТЕЛЕКАНАЛИ
21.30 «Хабарлар».

«SPORT» ТЕЛЕКАНАЛИ
21.30 «Хабарлар».

5.05 «Рейтинг» Версия для кино.
«Открытая» «Рейтинг».

5.05 «Рейтинг» Версия для кино.
«Открытая» «Рейтинг».

5.05 «Рейтинг» Версия для кино.
«Открытая» «Рейтинг».

5.05 «Рейтинг» Версия для кино.
«Открытая» «Рейтинг».

SOHA ATAMALARI

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР СОҶАСИДА ИШЛАТИЛАДИГАН АТАМАЛАРНИНГ РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ҚИСҚАЧА ЛУФАТИ*

(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)

Г
газонаполненный кабель – газ тўлдирилган кабел
газонаполненный конденсатор – газ тўлдирилган конденсатор (сигим)
газотрон – газотрон
газонепроницаемая муфта – газ ўтказмайди муфта
гальванический элемент – гальваник элемент
гальваническое покрытие – гальваник қоплама
гальваномагнитные явления – гальваномагнит ҳодисалар
гальванометр – гальванометр
напряжения – қуланиш гальванометри
тока – ток гальванометри
электронный – электрон гальванометр
гальваноскоп – гальваноскоп (электр занжирида токни ва унинг йўналишини аниқловчи асбоб)
гамма-лучи – гамма-нурлар
гармоника – гармоника
гармонический (-ая, -ое, -ие) – гармоник
анализ – гармоник таҳлил
колебания – гармоник тебришилар
ряд – гармоник қатор
функция – гармоник функция
гаусса распределение – Гаусс тақсимоти
гектоватт – гектоватт
геликотрема – геликотрема (одамнинг эшитишига оид)
гелиоустановка – гелиоқурилма (куёш қурилмаси)
генератор – генератор
амплитудный – амплитуда генератори
асинхронный – асинхрон генератор
высоковольтный – юқори волтли генератор
высокочастотный – юқори частотали генератор
гетеродинный – гетеродинли генератор
двухтактный – икки тактли генератор
двухчастотный – икки частотали генератор

– задающий – белгиловчи генератор
– звуковой – товуш генератори
– измерительный – ўлчов генератори
– импульсный – импульсли генератор
– индукторный – индукторли генератор
– индукционный – индукциявий генератор
– квантовый – квант генератори
– кварцевый – кварцли генератор
– клистронный – клистронли генератор
– ламповый – лампали генератор
– магнетронный – магнетронли генератор
– магнитогидродинамический – магнитогидродинамик генератор
– магнитострикционный – магнитострикциявий генератор
– магнитоэлектрический – магнитоэлектрик генератор
– механический – механик генератор
– микроволновый квантовый – микротўқинли квант генератори
– модулированный – модуляцияланган генератор
– молекулярный – молекуляр генератор
– одноламповый – бир лампали генератор
– однотактный – бир тактли генератор
– пьезоэлектрический – пезоэлектрик генератор
– резистивно-ёмкостный – резистор сигимли генератор
– резонаторный квантовый – резонаторли квант генератори
– релаксационный – релаксацион генератор
– самовозбуждающийся – ўз-ўзини қўзғатувчи генератор
– сверхмощный – ўта юқори қувватли генератор
– световой – ёруглик генератори
– синхронный – синхрон генератор
– термоэлектрический – термоэлектрик генератор
– трёхфазный – уч фазали генератор
– триодный – триодли генератор
– ультразвуковой – ултратовуш генератори

(Давоми бор.)

* Луфат ФТМТМда тайёрланган.

SPORT, SPORT, SPORT

FUTBOL

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Шу ҳафтанинг сешанба ва чоршанба кунлари Осиё ва Европа яшил майдонларида Чемпионлар лигаси баҳслари бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Фарғонанинг "Нефтчи" ҳамда Тошкентнинг "Пахтакор" клублари ўз майдонларида гуруҳнинг иккинчи турини ўтказди. Биринчи турни мағлубият билан бошлаган ҳар иккала жамоамиз ўз муҳлислари олдида нималарга қодир эканликларини кўрсатишлари лозим эди. Бироқ "Нефтчи" ишончли оқлай олмади. Саудия Арабистони чемпиони "Ал-Иттиҳод"ни қабул қилган фарғоналиклар 1:3 ҳисобида мағлубиятга учрашди. "Пахтакор" ва Қатар чемпиони "Қатар" ўртасидаги учрашув эса футбол муҳлисларини бироз бўлса-да хурсанд қилди. Алексей Николаев киритган ягона тўп мамлакатимиз чемпионида уч очко келтирди.



Европа чемпионида лигаси 1/8 финал ўйинларида эса куйидаги натижалар қайд этилди:

- «Бавария» – «Реал» – 1:1 (0:0)
- Голлар: Маккай, 75 (1:0). Роберто Карлос, 83 (1:1).
- «Локомотив» – «Монако» – 2:1 (1:0)
- Голлар: Измайлов, 31 (1:0). Маминов, 59 (2:0). Морентес, 69 (2:1).
- «Спарта» – «Милан» – 0:0 (0:0)
- «Селта» – «Арсенал» – 2:3 (1:1)
- Голлар: Эду, 18 (0:1). Эду, авт. 27 (1:1). Эду, 58 (1:2).
- Хосе Игнасио, 64 (2:2). Пирес, 80 (2:3).
- «Депортиво» – «Ювентус» – 1:0 (1:0)
- Гол: Луке, 37
- «Порту» – «Манчестер Юнайтед» – 2:1 (1:1)
- Голлар: Маккарти, 29, 78 - Форчун, 14
- «Реал Соседад» – «Лион» – 0:1 (0:1)
- Гол: Шуррер, 18 - автогол
- «Штутгарт» – «Челси» – 0:1 (0:1)
- Гол: Мейра, 12 - автогол

PROFI-BOXS

ЖОН РУИС ВИТАЛИЙ КЛИЧКОНИ ЖАНГГА ЧАҚИРДИ

Жаҳоннинг мутлақ чемпиони Луис бокс билан хайрлашгач, катта Кличкога рақибни аниқлаш осон кечмаяпти. Аввалига унга қарши жанубий африкалик Корри Сандерснинг рингга чиқиши эълон қилинган. Бироқ ўшбу жангга Корри розилик билдирмапти.



Сўнгги маълумотларга қараганда, Кличкога қарши WBA йўналиши чемпиони Жон Руис рингга чиқиши мумкинлигини эълон қилган. Унинг менежери Нормен Стоунинг таъкидлашича, Руис баҳс олиб боришга тайёр ва рақибнинг промоутерлари розилик билдирса 24 апрел кuni ушбу жанг бўлиб ўтиши мумкин.

TEST

СИЗ ЯХШИ РАҲБАРМИСИЗ?

Жамоага сардорлик қилиш кўлингиздан келадими, одамларни бошқариш-чи? Бунинг учун қайси сифатларга эга бўлиш керак? Бошқача қилиб айтганда, бошқарувчанлик имкониятларингиз қандай?

Куйидаги саволларга "Ҳа" ёки "Йўқ" деб жавоб беринг.

1. Ўз касбингизда янги ютуқларни қўллашга интиласизми?
2. Атрофингиздаги кишилар билан ҳамкорлик қилишга қандай қарайсиз?
3. Ҳамкасбларингиз билан қисқа, аниқ ва мулоҳим сўзлаша оласизми?
4. У ёки бу қарорни қабул қилишингиз сабабларини доимо тушунтириб бера оласизми?
5. Кўл остингиздагилар сизга ишонадиларми?
6. Бирор ишни бажариш мақсади, муддати, усулларини муҳокама қилиш улуғ шу ишнинг барча иштирокчиларини жалб қиласизми?
7. Ҳамкасбларингиз ташаббусини рағбатлантирасизми, тақдиф ва мулоҳазалар киритишларини сўрайсизми?
8. Ўзингиз мулоқотда бўладиган барча кишиларнинг исмини биласизми?
9. Белгиланган мақсадга эришишда икромларга эркинлик берасизми?
10. Топшириқнинг бажарилиш жараёнини назорат қиласизми?
11. Кўл остингиздагиларга фекат улар сўраганда ёрдам берасизми?

12. Ҳар қайси яхши бажарилган иш учун ходимларингизга миннатдорчилик билдирасизми?
13. Кишилардаги яхши сифатларни пайқашга интиласизми?
14. Ҳар бир хизматчининг имкониятларидан самарали фойдаланиш усулларини биласизми?
15. Ходимларнинг қизиқиш ва интилишларини биласизми?
16. Ўзганинг гапини диққат билан тинглай оласизми?
17. Бирор хизматчиға ҳамкасблари олдида миннатдорчилик билдира оласизми?
18. Кўл остингиздагиларни яққа ҳолда танқид қиласизми?
19. Юқоридаги раҳбарларга ахборот берганингизда жамоанинг ижобий меҳнатини таъкидлайсизми?
20. Кўл остингиздагиларга ишонасизми?
21. Турли маъмурий ва бошқарув йўллари орқали олган барча ахборотларни хизматчиларингизга беришга интиласизми?
22. Ҳар бир хизматчиға ўзинг меҳнати натижаларини корхона ёки тarmoқ режаларига мувофиқ рағбатлантирганингизни тушунтирасизми?
23. Ўзингизга ва меҳнат жамоанингизга ишларни режалаштириш учун вақт топасизми?
24. Давр талабларига мос келувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш режангиз борми?
25. Жуда бўлмаганда бир йиллик ўз-ўзини такомиллаштириш иш режангиз борми?

26. Махсус адабиётларни мунтазам равишда ўқийсизми?
27. Ўз мутахассислигингиз бўйича етарли ҳажмда шахсий кутубхонангиз мавжудми?
28. Ўз соғлигингиз ва иш қобилиятингиз ҳақида қайғурасизми?
29. Мураккаб, лекин қизиқарли ишни бажаришни ёқтирасизми?
30. Кўл остингиздагилар билан ишни яхшилаш ҳақидаги сўхбатларингиз самара берадими?
31. Ишга қабул қилинаётган мутахассиснинг қайси сифатлари биринчи навбатда эътиборга олиниши кераклигини биласизми?
32. Ходимларнинг муаммолари, савол ва имкониятлари билан қизиқиб қўрганасизми?
33. Кўл остингиздагилар билан маълум оралик сақлайсизми?
34. Ҳамкасбларингизга ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўласизми?
35. Ўзингизга ишонасизми?
36. Ўзингизнинг кучли ва заиф томонларингизни биласизми?
37. Бошқарувга доир қарорлар қабул қилишга сиз одатда иходий ёндашасизми?
38. Махсус курс ва семинарларда мунтазам равишда малаканингизни ошириб турасизми?
39. Хулқ-атворингизда ва одамлар билан муносабатда етарлича мослашувчанасизми?
40. Бошқаришнинг самарадорлигини ошириш учун раҳбарлик услубингизни ўзгартиришга тайёрмисиз?



"Ҳа" жавобга — 1, "Йўқ"га — 0 балл.

Барча саволлар самарали раҳбарлик услубингиз мезони бўлганлиги сабабли тўлиқ "Ҳа" жавобини бериш — энг идеал вариант ҳисобланади ва юқори бошқарув имкониятини билдиради. Агар саволларга чин юракдан жавоб берган бўлсангиз, бу натижага эришмаганингиз аниқ, Бунинг сабабини чуқурроқ таҳлил қилиш сизга фойдадан холи бўлмайди.

Нечта ва қайси саволларга "Йўқ" деб жавоб берганингизни аниқлаш ҳам жуда муҳимдир. Чунки улар заиф томонларни кўрсатади. Раҳбарга ўзининг заиф томонларини кўра билиши ҳам катта ютуқ ҳисобланади. Хуллас, 33тадан ортиқ саволга "Ҳа" деб жавоб берган бўлсангиз — бу яхши раҳбарлик имкониятларингиз мавжудлигидан дарак беради.

TURMUSH CHORRAHALARIDA

Мақтабни тугатар-туғатмас уйимиздан совчилар аримай қолди. Ёш қўшиқларку сира тинчлик бермайди. Қўшиқнинг қизи Илдуфар билан буюганам. Уларниқига тез-тез бориб тураман. Онаси доим мен борсам сандиқдаги матоҳларини кўрсатиб, "Қим менинг келиним бўлса, ўшанга бераман", дея мақтайди. Мени ялтир-ялтир либосларга учиб тегадими, деб ўйласа керак. Угли Азим ёмон бола эмас. Одоблар, ақлли, ўпта гапирсангиз, битта жавоб қайтаради. Жудаям ювош. Фақат менинг қўшиқча келим бўлгим йўқ. Китоб кўп ўқиганим учуни, ўзим севиб, севилиб турмушга чиқсам дейман. Онам бўлса қўшининг ўглини мақтайвериб эси кетади, кўнглини сўрмайди ҳам.

қилгандир-да, жон болам. Камбағални туянинг устида ҳам эти қоплади ўзи. Жасурни кўрган бўсанг бўпти. Отанг барибир ўшанга бериб юбораси.

Кўп ўтмай Жасурларниқидан келган совчилар менга нон ушатиб кетишди. Нима қилишни ҳам, нима дейишни ҳам билмай, нуқул йиғлайман. Дардимни кимга ҳам айттардим. Мен китоблардаги ҳаётни орзу қилгандим, акси бўлди. Ёзининг айна пишиқчилик дамларига ота-онанинг орзу-ҳавасларга тўлган тўй бўлди. Дугоналарим ёр-ёр айтиб, мени узатишди. Шунанқин йиғладимки, зўрга овутишди. Худди ўз уйдан бутунлай айрилиб кетётганга ўхшардим...

Ҳаётимиз бинойилек кечарди. Аммо Жасурнинг галати одаллари бор эди. Гоҳида тун ярмида уйғониб, дераза ёнида чекишдан бўшамайди. Еки ётган жойида "Ана БТР келпти, ё! Қоч! От!" дераза қилиб, уйғониб кетади. Биринчи маротаба бу сўзларни эшитганимда кўрқиб кетгандим. Секин-аста унинг алаҳсирашларига ҳам, дераза олдида синарет

ларни тутганимда ҳаммасини битта қолдирмай қириб ташлардим. Ҳа, ҳа Бобир сенинг қасдининг олардим", у шундай дея дедорини урарди. Мен эса сакан туриб унга чой узатман, овутишга ҳаракат қилман. Шундагина уйда ёлғиз эмаслиги ёнига тушади. Мендан уэр сўрайди.

— Ҳайла берилибман, Мукаррам, элтибор берма. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Сен ёнимласанку, энди. Илгарилари кечалари ухламай чиқардим. Сен келиб озгина ором топгандай бўлдим. Борингта шукур. У гапирб-гапириб болишга бош қўлди. Секин уйкута кетади. Бироздан сўнг яна алаҳсираб бошлайди. "Қоч! Ё! Ҳаммангити ўлдирман!"

— Ҳой, ҳўжайин, сизга нима бўлди. Манг, муздай чой ичиб олинг.

— А? Ҳа, ёмон туш кўрибман чоғи. Элтибор берма. Сенига ҳам уйку бермадимми? Анчадан буюн алог-чалог тушлар кўраман. Тушнимда нуқул анави афгонларни кўраман. Кимдир ета олайман. Кейин улар бизни қувшади. Йиқилиб-сўрилиб қочамиз. Энди етди деганда сен уйғотиб қолсан. Шунисига ҳам шукур. Улар ҳеч қачон бизни тутинишмайди. Тўрими, хотин?

— Ҳа, тўғри.

— Етақол, чойинг учун раҳмат. У шундай дея мени бағрита олди. Юзимга узоқ тикилди. Қўллари билан сочларимни сийпалади. "Қани энди бир умр бирга бўлсак", дея пичирлади.

— Яхши нинг қилинг, ҳўжайин. Бу нима деганингиз. Ҳали кўп яшайми. Уттан кунларин эслаб қулиб ўтирамиз. Келинг энди, ухланг. Ҳадемай тонг ҳам ёришади.

Эртаси кун у юрагини чангаллаб ётиб қолди. Тезла "Тез ёрдам" чақирди. Улар келиб укол қилишди. Дори-дармонлар ёниб беришди. Аммо унинг юрак хуружи тез-тез туталган бўлиб қолди. Ҳаммамизни саросима босди.

— Чимилдик оверлик қилаётган бўлса керак, олиб ташлайлик, — дея қирқ кунга етмасдан чимилдикни олиб ташлашди. Бироқ Жасурнинг юрак хуружи давом этарди. Шундай қилиб, қирқ кузлик чилмағиз ҳам чиқди. Энди бемалол ҳоҳлаган жойимга бориб келишим, ётиб қолишим мумкин эди. Эртаси кунги онаминикига бордим. Уйлағилар билан кечгача гурунлашиб ўтирдим. Нимагадир кўнглим гап эди.

— Онажон, уйга борақолай. Бошқа кун ётгани келарман.

— Вой болам, тўғри қилсан. Иссиқ жойингни совута. Борақол, уканг кузатиб қўяди.

Юрагин ҳаққириб уйга қириб келдим. Жасур гўжанак бўлиб ётган экан.

— Нима бўлди, ҳўжайин. Бирон жойингиз ориятигимиз?

— Утиб кетади, сен парво қилма, ўтиб кетади. Шу тун Жасур ухламади. Тонгга яқин кўзим ичинибди. Бир маҳал чўчиб уйғонсам, Жасурнинг кўзлари очик ётибди. Чақирсам ишдамаси. Юзларига қўлним қўйсам — муздек. У жонсиз эди. Афғоним менинг юрагимда ўчмас ғамини қолдирди.

Хонбиби ҲИММАТ ҚИЗИ

АФҒОНИМ — ФИҒОНИМ МЕНИНГ

сизми? — Бизнинг пешонага ўқиб битмаган. Қисматига "Афгон" дегани ёзилган экан, ўша ерда ўқиб, ишлаб келидик. Ота касби дуралдорликни давом эттиртимиз. Узларичи? Бирор жойда ўқийдиларми? — Йўқ, боғчада ишлайман. Ўқийдани йиқилдим.

— Камбағалнинг пешонасига ўқиб ёзилмаган, фақат ишлаш ёзилган, ишлаш. — Нимага ундай дейсиз. Ҳозир ҳамма хоҳлаган ўқийди ўқийптику. Бой-камбағалга ажратилмайди. — Ҳе, сиз нима ҳам кўрибсиз. Ҳалиям нонни "нанна" деб кўрибсиз. Мен афгонда кўп нарсани кўрдим, кўп нарсани. Келинг, гап мавзусини ўзгартирайлик. Олинг муздаймоғингиз эриб кетаяпти.

Шундай қилиб "тоғдан боғдан" сўхбатлашдик. Бонни бироз айланаб уйга қайтдик. Онамга дарҳол уни тарифлай кетдим. — Она, мақтаган йигитингиз Афғонистонда бўлган экан. Сал галатирокми? Гаплари чакриб-чакриб оладимей. Ўзи гаплашиб кўрган мидингиз?

— Ҳа, болам. Камбағалнинг шўри кўрсин. Унинг чекига ўша вақт афгон тушган. Отаси у ердан олиб қолман деб роса югурганди. "Военкоматга" тилар каттароқ пул сўрашибди. Отанг ҳам озорқ берувди. Бироқ барибир етмади. Бойвачаларнинг ўғли қолди, камбағалларнинг боласи кетди. Шунга жаҳи



чекишларига ҳам кўнликдим. Айрим пайларни уйрим кечаси ичиб келарди. Аммо сўкмайди ҳам, урмайди ҳам. Мени бағрита босиб, эркалатди. Шунисига ҳам шукур дейман. Чунки айрим аёлларнинг эри ичиб келса, тўпалон қиларкан, идиш-товоқларини синдириб, узларини ураркан. Меники ундай қилмайди. Гоҳида Афғонистонни эслайди шекилли, чуқур хўрсинади. Кимларингиз номини айтади. "Агар ўша тирик бўлганда ҳозир уйланган бўларди... Ботирини бир қичмаси бор эди. Шу қизим учун омон қолсам дерди. Аммо ўлди. Қизи етим қолди... Бобир жулаям ёш эди. Кўп нарсаларга ақли етмасди. У ўқини орзу қиларди. Бўш қолди дегунча синарет қутисига расм чиқарди. Рассом бўлмоқчи эди, рассом. Бўлолмади, эҳ бўлолмади. Еш жон танқинг остида қилиб кетди. Мажақланиб кетди. Ўша ёвуз

ХАНДАЛАР

Нихоҳ маросимидан кейин келим ва қуёв олдиға сураткаш келим, узларни суратта тушишга тақлим қилди. Шунда ҳазилкаш қуёв шундай деди: — Йўқ, раҳмат, яхшиси, келаси сафар...

Эр рафиқасига: — Жонганим, ишлама, ўн ишга кетаётганим йўқ-ку. Бир ойдан кейин уйда бўламан. Хотини ҳаққиллаганча дермас: — Ўйламан сизни! Фақат алдайсиз. Бир ой дейсизу, уч кунда қўзим учгандай яна пайдо бўласиз.

Сизга ўхшаган хасисга турмушга чиқмайман. Мана, олинг, совба қилган ниҳоҳ узунгизини! — Нима ҳам дердик! Ие, қутчаси қани?!

Узларингизни кўмуш тўйини нишонлаётган эр рафиқасига депти: — Ўйламанми, бизнинг ниҳоҳимиз менинг катта бир хатоим сабабли бўлган?! — Нимани назарда тутаясиз? — Мен ўшанда хуштак чалиб сени эмас, кўчугимни чақиргандим...

Икки севишган ресторонга тушилик қилгани кирди. Улар буюртма беришни унутиб, бир-бирларига термулганча ўтиравердилар. Нихоҳат, ишгит тилга кирди: — Шунчалик ширинсанки, сени еб қўйим келаяпти! — Мен ҳам сени бажонайди еб қўярдим.

Стол ёнида анчадан буюн туриб қолган официант енгил йўталиб қўйди ва деди: — Бирон нима ичасизлар ҳалми?

ТАБРИКЛАЙМИЗ! "Қорақалпоқ почтаси" АЖ Тўртқўл филиали ва касабая уюшмаси қўмитаси жамоалари корхона бошлиғи Марат СЕЙТНИЯЗОВНИ муборак 50 ёшга тўлиши муносабати билан қизинг табриклайди. Унга узоқ умр, тани сихатлик, шарафли ишларида муваффақиятлар тилайди. *** Хурматли ҳамкасбимиз Муҳаммаджон УБАЙДУЛЛАЕВ! Сизни қутлуг 36 ёш, яъни мучал тўйингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сихат-саломатлик, оилавий бахт, ишларингизга омадлар тилаб, "Андижон почтаси" АЖнинг Избоскан филиали, Тўртқўл алоқа бўлими ходимлари *** Азиз фарзандимиз БЕКЗОДЖОН! Сени 9 ёшга тўлишини муносабати билан чин дилдан табриклаймиз. Сенига сихат-саломатлик, узоқ умр, келгусида ажойиб инсон бўлиб камол топишини Аллоҳдан сўраб қоламиз. "Сурхондарё Телеком" филиали Қизилқум телекоммуникациялар боғламаси назоратчиси Нурмамат ШЕРМАТОВлар оиласи

МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги. Бош муҳаррир: Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Иzzат АХМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Шомансур ОБИДУҲАЕВ Миродил САНГИЛОВ Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб) Раҳимжон ТУРҒУНОВ Ашмер ХУҲАЕВ Асрор ЭШОНХУҲАЕВ Рустам ҚОСИМОВ Солиқжон ҚОСИМОВ. Тахририятда келган қўлама ва суратлар эгаларига қайтаришмайди. Муаллафларнинг фикрлари тахрират факридан фарқланши мумкин. Нашрингиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олганингизни кўрсатишни шарт. Тахрират материал — 1. Реклама материалнинг тўйрилиғига тахриратчи жавоблар эмас. Реклама ва дилларларнинг тахриратчиларга ушунга мурожаат қилмаслар. Гастретани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Манъази: 700000, Тошкент-35, А.Толстой кўчаси, 1-ўй. Тел.: 136-35-29. Факс: 136-36-42. E-mail: orif@infonet.uz. Нашр кўрсаткичи — 227; 228. Жума кунлари чиқмайди. Газета тахрират компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Газета тахрират компютер базасида терилди ва саҳифаланди. "Шарқ" нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмаханаси. Манъази: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-ўй. 370-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табақ. Алади 8582 аусса. Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркаси. Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ. Матн тереуви: Д.МАТҚУРБОНОВА. Босингга товнирилади — 20.00. Босингга топширилган вақти — 20.00.